

## Х А Б А Р Н О М А

*Хурматли солиқ тўловчи!*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” **2021 йил 2 августдаги 483-сон қарори** 11-бандига мувофиқ, **товар-транспорт юкхатларини электрон тарзда расмийлаштириш** орқали электрон ҳисобварақ-фактураларни автоматик равишда шакллантириш тизими яратилиб, барча электрон ҳисобварақ-фактура операторлари ахборот тизимида **2021 йил 1 ноябрдан амалиётга жорий қилинди.**

Мазкур тизимни 2021 йил якунига қадар биринчи навбатда норуда фойдали қазилмаларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотларда жорий қилиш белгиланганлигидан келиб чиқиб, харидор ва буюртмачиларга **товарларни юклаб жўнатишда** электрон шаклдаги **товар-транспорт юкхатини мажбурий тартибда расмийлаштиришни** сўраймиз.

Бунда, алоҳида **электрон ҳисобварақ-фактура** расмийлаштириш талаб этилмайди ва ушбу ҳужжат электрон товар-транспорт юкхати асосида тизим орқали **автоматик равишда шаклланади.**

**Эслатиб ўтамиз,** норуда фойдали қазилмаларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотларда **2022 йил 1 январдан** бошлаб электрон шаклда **ҳисобварақ-фактура яратиш имконияти чекланади.**

*Солиқ хизмати - инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори !*

*17.12.2021 йил*